


«Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!»

НАБИРАМГА БИР КИТОБ...

Ўрта Чирчиқ туманида Республика Маънавият тарғибот маркази, вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида "Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!" гояси ҳамда Президентимизнинг "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби" мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқидан келиб чиқиб "Жаҳолатга қарши – маърифат" шиори остида маданий-маърифий тадбир ўтказилди.



Унда кенг жамоатчилик, олимлар, нурунийлар, ўқувчи-ёшлар, спортчилар, шунингдек, кам таъминланган, адабиёт турли диний оқимларга кириб қолган ҳамда бугунги кунда махсус ҳисобда турувчилар рўйхатидан чиқаришга тавсия этилган оилалар фарзандлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар давлатимиз раҳбарининг жорий йил 27 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига тийғарлиқ кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида жойларда кенг қўллашга тийёр-

гарлик ишлари бошлаб юборилгани, "Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!" деган бош ғоя остида байрам танталарини муносиб ўтказиш зарурлигини алоҳида таъкидладилар. Кейинги пайтларда шаҳар ва қишлоқларимизда рўй бераётган ўзгариш ва янгиланишлар, аҳолига яратилаётган қулайлик ва энгилликлар, Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида ташкил этилаётган сайёр қабул ва мулоқотларда кўплаб муаммоларга ечим топилаётгани ҳақида сўз юритилди. Ватанни мадҳ этувчи шеърлар ўқилди.

Тадбир давомида ўғил-қизларимизни ёт ғоялар таъсиридан асрашга бағиш-

ланган спектакль намойиш этилди. Шунингдек, "Набирамга бир китоб" акцияси, спорт ўйинлари, расмлар танлови ҳамда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг "Ўздавкитоб-савдотаъминоти" томонидан ташкил этилган китоб ярмаркаси йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

– Меҳнат фахрийсиман. Китоб кўргазмасига набирамга Умидбек билан келдим, – дейди Ўрта чирчиқлик Исмаилов. Бундай тадбирларни вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларида ташкил этиш режалаштирилган.

Холмурод САЛИМОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири. Равшан МИРЗАКУЛОВ олган сурат.

Шу бир оғиз гап шуғрига нақиллаб қолган. Кейинчалик инсоннинг бир оғиз ширин сўзи, яхши муомаласи, раҳм-шафқати кўп нарсага қодирлигига кўп бор амин бўлдим. Бошқаларни кўя турарлиқ, гоҳо ўзим ноҳақ маломатларга қолганимда, бундай ҳолатлардан кенгфайллик, кечиримлилик билан қийин кетдим. Кўнглимни оғиритганларга ёрдам қўлимни чўздим, аммо ёмонлик қилмадим. Ёмонлик қилишни ҳаёлимга ҳам келтирмадим. Шундайлардан биттаси охир-оқибат, виждон азобиغا чидамай олдимга келди: "Нега мени қўллаясиз? Мен ахир сизни ноҳақ ранжитган эдим-ку", дея кўзига ёш олди. Кечиримлилик – ҳалқимизнинг буюк фазилати. Хом сут эмган банди, биров адашади, бошқа биров эса кимнингдир гапига кириб, бир бегуноҳ одамнинг қалбини жароҳатлайди. Ҳаётда яна шундай вазиятлар ҳам бўладики, одам ўзи билмаган ҳолда, ҳаттоки яхшилик қиламан деб ҳам ёмонлик қилиб қўяди. Бундай пайтлари жонхилликка жонхиллик билан жавоб қайтариш жараҳатни янада чуқурлаштиради, аммо тузатмайди.

Ўшнинг бу гапи ҳар қандай жазодан оғир эди...

Бир кун раҳматли дадам билан эрталабки шабадада бугдой шопираётган эдик, анча қартайиб қолган отига миниб, қўшни қишлоқ томон жадаллаб бораётган ўша... бугдой ўғриларида бири олдимиздан салом бериб ўтиб қолди. Мен бир вақтлар Рисолат хола шу кишига раҳм қилганини эслаганимда, дадам бир маромада эсаётган шабадада элақдаги бугдойни баланд кўтариб шопираётган эканлар: "Ёмонли ёмонлик билан яхшилаб бўлмайди, ўғил", дедилар.

Одамийлик шеваси

Виждон азоби



ланганида, раис: "Хўш, ночор оилаларга бир қоп-ярим қолдан бугдой жўнатдингларми, хў, фалончи ёддан чиқмадимми, аввалги касалларни кўзгаб қолмасин тагин?", деб сўрайди ва ёнидагиларга кўзини қисиб қўяди.

Раиснинг бу гапи ҳар қандай жазодан оғир эди... Бир кун раҳматли дадам билан эрталабки шабадада бугдой шопираётган эдик, анча қартайиб қолган отига миниб, қўшни қишлоқ томон жадаллаб бораётган ўша... бугдой ўғриларида бири олдимиздан салом бериб ўтиб қолди. Мен бир вақтлар Рисолат хола шу кишига раҳм қилганини эслаганимда, дадам бир маромада эсаётган шабадада элақдаги бугдойни баланд кўтариб шопираётган эканлар: "Ёмонли ёмонлик билан яхшилаб бўлмайди, ўғил", дедилар.

Ушанда ўзи бировнинг кўмагига муҳтож бўлиб турган хола ўғрилари

нинг олганини сира тушунмаганман. Орадан йиллар ўтди, тўкинчилик кунлари келди, бугдой ўғрилари кўпчилик олдида анча вақт хижолат тортиб юришди, бошқа жойда ўғриллик содир бўлса ҳам, қизариб, ерга қара-шади. Ҳар йили кузда бугдой ўғрилиб, хирмонда янчилиб, қопларга жой-

адашади, бошқа биров эса кимнингдир гапига кириб, бир бегуноҳ одамнинг қалбини жароҳатлайди. Ҳаётда яна шундай вазиятлар ҳам бўладики, одам ўзи билмаган ҳолда, ҳаттоки яхшилик қиламан деб ҳам ёмонлик қилиб қўяди. Бундай пайтлари жонхилликка жонхиллик билан жавоб қайтариш жараҳатни янада чуқурлаштиради, аммо тузатмайди.

Қадим ривоятлардан бирида айтилишича, бир йигит аравачасига юк ортиб, бозор ичкари-сидан кўча томонга чиқиб келаётганда, олдиндан бир кекса аёл ўтиб қолибди. – Йўлдан қоч, ҳой қари ялмоғиз, – дебди йигит онаси тенгги аёлга ўшқириб. – Ҳўп бўлади, жоним болам, – деган экан ўша аёл...

Аҳмад ОҒА.

АЁЛ ДУНЁНИ ТЕБРАТАДИ

Вилоят хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан пойтахтимиздаги Ўзбек Миллий академик драма театрида "Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!" шиори остида маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 июнда дин уламулари билан ўтказилган "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби" мавзусидаги анжуманда билдирган фикрлари ҳамда "Жаҳолатга қарши – маърифат" ва "Ўз болангни ўзинг асра!" деган қаҳриқларига жавобан хотин-қизларнинг жамиятдаги роли ва фаоллигини таъминлаш, аёлларнинг соғлом ва баркамол фарзандларни тарбиялашдаги ўрни янада мустаҳкамлаш бора-сидаги амалий ишлар самардорлигини ошириш масалалари муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, юртимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш, оналик ва болалик муҳофазаси давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Яратилган кенг имкониятлардан фойдаланиб, хотин-қизларимиз жамиятнинг турли соҳаларида фаол меҳнат қилиб келмоқда.

Анжуманда, шунингдек, бугунги глобаллашув жараёнида хотин-қизларни турли ёт ғоялар таъсиридан асраш энг муҳим вазифалардан бири эканлиги ҳақида сўз юритилди. Айниқса, оилалардаги маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, фарзандлар тарбиясида ота-онанинг маъсулиятини ошириш, жойларда уюлмаган, хусусан, ҳазони ижро этиш муассасасидан қайтган, махсус ҳисобда турган, эҳтиёжманд оилалардаги хотин-қизлар билан янада самарали ишлаш зарурлиги айтилди.

Шу кунги иштирокчилар учун Ўзбек Миллий академик драма театри ижодий жамоаси томонидан саҳналаштирилган "Имон" спектакли намойиш этилди.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Файзиёва иштирок этди.

Юлдузхон МУҲИДИНОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири. Мансур ҲИММАТОВ олган сурат.



Нега шундай деймиз?

Бўйига қараб тўн бичмоқ

Бўйига қараб тўн бичмоқ – эшатиға яраша тушови иборасининг муқобили. Кишига моддий, маънавий, иқтисодий имкониятлари, савияси, мактеби, жамиятда тутган ўрнига қараб баҳо берилади. Яъни, образли қилиб айтганда, "бўйига қараб тўн бичилади". Тўн бўйдан узун, калта, кенг, тор бўлса, қалб билан қиёфанинг мувозанати бузилиб, номуносиблик, кулги, масхара бўлишга олиб келади.

Кўзим усти

Шоир Фафур Фулом ижодида "Кўзим усти, миннатинг – бошимга дурра" мисраси бор. Кўз қорачиги қанчалик авайлаб-асралса, "кўзим усти" иборасида ҳам шу азиз-аллонлик, жоннисорлик мазмуну муҳассам. Бу ибора бошқа кўтариб юришдай, ундан нозик, юракка яқинроқдир.

Иборани салбий маъносига қарама-қарши гап "Кўз остига олмоқ"дир. Бу ўринда, "кўзим усти" – кўз қароғи, қорачигига, муқобилдир. Марҳамат, саховат, ҳиммат, юксак инсоний меҳр-мурувват, муҳаббат ифодаси бор.

Н. ТОҲИРОВ тайёрлади.



Тебранувчи устун

Арманистонда 895-йил барпо этилган Татев ибодатхонасидаги "тебранувчи устун" сири ҳали ҳамон очилганича йўқ.

Саккиз қиррали тош-бетон монолит устуннинг баландлиги 15 метру 7 сантиметрни ташкил қилади. Устун ярим айлана тош асосга ўрнатилган ва кўринишидан жуда мустаҳкам. Бирок, унга қўл билан таъсир, устун 15 градусгача тебранади ва албатта, яна ўз ҳолатига қайтади.

1931 йили бу ҳудудда рўй берган 10 балли зилзила оқибатида устуннинг қуйи қисмида ёриқлар пайдо бўлди ва бу унинг ноёб хусусиятига оз бўлса-да, таъсир ўтказди.

Шуни таъкидлаш жоизки, замонамиз олимлари ҳам "тебранувчи устун" билан "тил топиша" олмапти.

ОБ-ХАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 8 июль куни Тошкентда ҳаво бир оз булутли бўлади, вақти-вақти билан ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 25-27, кундузи 42-43 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво бир оз булутли бўлади, айрим жойларда ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 22-27, кундузи 38-43 даража иссиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво бир оз булутли бўлади, айрим жойларда ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 15-20, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади.

Илк метро қаерда пайдо бўлган?

Замонавий шаҳарларни метросиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бугунги кунда, метро экологик тоза, тезкор ва ўта қулай транспорт воситаси сифатида қадрланади.

Хўш, дастлабки метрополитен қаерда ва қандай қурилган?

Дунёдаги биринчи метро линияси Лондонда пайдо бўлган. XIX аср ўрталарида



Интернет маълумотлари асосида Азизжон Йўлдошев тайёрлади.

Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт

Россиянинг Сочи шаҳрида анъанавий каратэ бўйича "Сочи опен – 2017" халқаро турнири бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон терма жамоаси жами 29 та медаль жамғариб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

КАРАТЭЧИЛАРИМИЗНИНГ КАТТА ЮТУҒИ



Халқаро анъанавий каратэ федерацияси шафлигида ҳар йили ташкил этиладиган мазкур мусобақада меъдонлардан ташқари, Ўзбекистон, Арманистон, Беларусь, Грузия, Украина каби ўнга яқин давлатдан уч юз нафар спортчи ғолиблик учун куч синашди.

Каратэчилар ката – комплекс машқ бажариш ва кумитэ – яксама-якса беллашув бўйича ўз маҳоратини намойиш қилди. Унда вилоятимиз каратэчиларидан Иномали Қодиров, опа-ука Гулшода ва Хусан Жумабоевлар олтин, Сирож Мамадалиев кумуш медалга сазовор бўлди. Шунингдек, терма жамоамиз аъзолари – Садоқат Шодиева, Равшан Сахатов, Жасур Назофов, Даниял Утибергенов, Мухаммаджон Ғаниев ва Мухаммадбобур Алишеров ҳам шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

– Кескин ва мурасиз курашлар остида ўтган халқаро турнирда спортчиларимизнинг ҳар бири олтин медални қўлга киритиш учун каммида 5-6 баҳсда галаба қозонишига тўғри келди, – дейди Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Шуҳрат Хушмуродов. – Шундай бўлса-да, шогирдларим ўз маҳоратини тўлиқ намойиш этди ва умумжамоа ҳисобида Россия ва Беларусь терма жамоаларини ортда қолдириб, биринчи ўринни эгалладик.

Энди каратэчиларимиз шу йилнинг 30 ноябрь – 3 декабрь кунлари Италияда бўладиган жаҳон чемпионатида муваффақиятли иштирок этишга тайёрланмоқда.

Зохир ТОШХҲАЕВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири. Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

ТЕЗРОҚ, БАЛАНДРОҚ, КУЧЛИРОҚ!

Ҳиндистоннинг Бхубанешвар шаҳрида бошланган энгил атлетика бўйича Осиё чемпионатида қитъамизнинг энг кучли, тезкор ва қаҳшон спортчилари совринли ўринлар ва жаҳон чемпионати йўлланмаси учун курашмоқда.

Ўзбекистон терма жамоаси мураббийлари Осиё чемпионатида етти нафар энгил атлетикачи жалб қилди. Жизжавад ўтган "Баркамол авлод – 2017" спорт мусобақаларининг энгил атлетика беллашувларида Тошкент вилояти терма жамоаси ҳисобида бир жуфт олтин медал келтирган Александра Юркевская еттикураш баҳсларида стартка чиқди.

Осиё чемпионатининг хотин-қизлар ўртасидаги беллашувларида Надия Дусанова баландликка сақраш, Нигина Шарипова 100 ва 200 метрга, Валентина Кибальникова

эса тўсиқлар оша югуриш бўйича ўз имкониятларини намойиш қилади. Эраклар ўртасидаги баҳсларда Бобур Шокиржонов ва Владислав Полюнин найза отиш, Сергей Дементьев ядро иргитиш бўйича курашга киришади.

Мусобақа ғолиблари ва белгиланган меъёрни бажарган етакчи спортчилар шу йилнинг 4-13 август кунлари Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида бўладиган энгил атлетика бўйича жаҳон чемпионати йўлланма олади.

Фирдавс УВАЙТОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги	Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ғайрат ШЕРАЛИЕВ	Маънавийлик: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Электрон почта: thaqiqat@uamail.uz	Қабулхона: Бош муҳаррир ўринбосари: Масъул котиб: Бўлим муҳаррирлари Шарҳнома ва эълонлар: Ҳисоб-китоб бўлими:	Телефонлар: 233-58-85 (факс) 233-70-10 233-79-96 233-12-83, 233-38-23, 233-48-08 233-81-21, 233-65-59 233-54-10	Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақам билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер маркасида терилди ва саҳифаланди.	Набатчи муҳаррир Холмурод САЛИМОВ Назоратчи мусоҳиҳ Кўмуш ЭҒАМБЕРДИЕВА Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДУҲҲАЕВ
Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.	Буюртма S-9480.	Адади 7 419.	Баҳоси келишилган нархда	Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.	ISSN 2010-9318.	"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топширилган вақти – 21.00. Босишга топширилди – 19.30.